тате проведенной кампании массовой иммунизации по кори и краснухи в 2006 и 2007 годах показатель заболеваемости кори снизился на 99,7%. План вакцинации и ревакцинации против инфекций, управляемых средствами специфической профилактики, выполнен на 98,7-99,1%.

В целях недопущения завоза и распространения карантинных и особо опасных инфекций на территорию республики санитарно-эпидемиологической службой усилена работа 70 санитарно-контрольных пунктов, расположенных в местах пересечения государственной границы Республики Узбекистан, в международном Ташкентском аэропорту, на железнодорожных вокзалах. С 1 мая фун-

до переоборудованию 276 отопительных котлов для работы на альтернативных видах топлива. Министерством здравоохранения ведется постоянный мониторинг за ходом подготовки учреждений к осенне-зимнему периоду и создана комиссия по контролю за выполнением намеченных мероприятий и оказанию практической помощи на местах.

В настоящее время учреждения здравоохранения практически полностью обеспечены газовыми счетчиками, водомерами холодной воды и электросчетчиками. Ведется работа по обновлению морально устаревших на более современные.

— Какие дополнительные меры по ускорению сферы ус-

от оказания платных услуг составило 25,4 миллиарда сум (первое полугодие 2007 года – 20,9 миллиарда сум).

— На каком уровне находится выполнение программы приватизации?

— В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-672 от 20 июля 2007 года "О мерах по дальнейшему углублению процессов приватизации и активному привлечению иностранных инвестиций в 2007-2010 годах" в 2008 году запланировано разгосударствление и приватизация 46 объектов здравоохранения, в том числе в первое полугодие 2008 года – 24. По итогам первого полугодия 2008 года приватизировано 26 объектов здравоохранения на сумму 1,1 миллиарда сум.

— На сегодняшний день на фармацевтическом рынке можно наблюдать товары различных фирм. Как проходит контроль качества лекарственных средств и медицинской техники?

— Да, действительно, от качества лекарств напрямую зависит состояние наших пациентов. В ходе выполнения программы по реформированию системы здравоохранения за I полугодие 2008 года проведена определенная работа по повышению эффективности государственного контроля качества лекарственных средств, медицинской техники и медицинских изделий. Рассмотрен и передан в ГАК "Узфармсанот" проект постановления "О внесении дополнений в Перечень сырья и материа-

номер журнала "Фармацевтический вестник Узбекистана".

За первое полугодие 2008 года Главным управлением зарегистрировано и разрешено к медицинскому применению 70 наименований отечественных лекарственных средств, 176 наименований зарубежных лекарственных средств, 82 наименования лекарственных средств стран СНГ.

Работа, проводимая по предотвращению поступления в обращение непригодных к применению лекарственных средств, регулярно освещается через СМИ. В СМИ сотрудники Главного управления регулярно принимают участие в теле- и радиопередачах, таких, как "Эркин мулокат", "Долзабр мавзу", "Эркин мавзу".

— Как обстоят дела с внешними партнерами, в частности, координация внешнеэкономической деятельности?

— За отчетный период в Минздраве были проведены встречи с послами Ирана, США, Израиля, Арабской Республики Египет, Японии, Франции, а также главами представительств ЮНИСЕФ, ВОЗ, ЮНФПА, Мирового банка в Узбекистане, экспертами АБР, ИБР и другими делегациями из зарубежных стран по вопросам расширения сотрудничества в области здравоохранения.

В рамках сотрудничества с зарубежными странами и международными организациями осуществлена поставка оборудования в 114 СВП Ташкентской и Джизакской областей за счет гранта правительства Японии, направленного на улучшение первичного звена здравоохранения.

В январе-феврале текущего года группа экспертов JICA из Японии провела в Узбекистане исследование по проекту "Оснащение НИИ акушерства и гинекологии современным медицинским оборудованием" в рамках гранта безвозмездной помощи, выделяемого правительством Японии правительству Республики Узбекистан, и в течение 2008 года будет осуществлена поставка высокотехнологического оборудования.

В настоящее время в Узбекистане продолжается проект технической помощи Японии "Усовершенствование медресинского образования в Узбекистане". В рамках проекта в мае текущего года осуществлена поставка учебного оборудования для медицинских колледжей.

Продолжено сотрудничество с правительством Германии в рамках проектов "Улучшение репродуктивного здоровья женщин" и "Борьба с туберкулезом". В апреле текущего года проведены переговоры с немецкой стороной о продолжении проектов и в 2008 году.

В рамках сотрудничества с Республикой Корея в нашу республику поставлено 110 современных автомобилей скорой медицинской помощи. Это только небольшая часть мероприятий, проводимых в рамках международного сотрудничества.

Мы задавали вопросы, касающиеся всех направлений системы здравоохранения, и, подводя итог словам Министра здравоохранения, за первые шесть месяцев 2008 года в описываемой системе произошли большие изменения. Взало свой старт второе полугодие, за которое предстоит сделать много того, что не успели в первом. Перед Министерством здравоохранения стоят определенные задачи, на реализацию которых будет направлена дальнейшая активность. А нам остается лишь пожелать им удачи в деле, осуществляемом для блага народа.

Беседовала Ибодат СОАТОВА.



Дети домов Милосердия всегда окружены заботой и вниманием государства.



Лаборатории играют большую роль в профилактике особо опасных инфекционных заболеваний.

луг и сервис проводятся на сегодняшний день в республике?

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан №2107 от 10 ноября 1998 года в системе Министерства здравоохранения в условиях смешанного финансирования функционируют 177 лечебно-профилактических учреждений. За первое полугодие 2008 года доля самофинансирования в лечебно-профилактических учреждениях составила 36,1%. Во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан №ПП-640 от 21 мая 2007 года в первом полугодии 2008 года организованы и функционируют Центры реабилитации при Республиканской клинической больнице №1 на 30 коек, при Республиканской больнице №2 Республики Каракалпакстан на 30 коек, при физиотерапевтической больнице "Хужакулуд" Кашкардарьинской области на 30 коек, больницы по уходу за больными при горбольнице №2 Самарканда на 25 коек, оздоровительные Центры при физиотерапевтической лечебнице "Жайронкона" Сурахандарьинской области на 20 коек и Хорезмской области на 20 коек. В первое полугодие 2008 года поступление внебюджетных средств

лов, предназначенных для производства лекарственных средств и изделий медицинского назначения, при ввозе которых применяются льготы, установленные Постановлением Президента Республики Узбекистан от 14.07.2006 г № 416 с учетом предложений ряда производителей.

Во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан №ПП-731 от 19 ноября 2007 года "О программе модернизации, технического и технологического перевооружения предприятий фармацевтической отрасли на период до 2011 года" издан "Рестр цен лекарственных средств отечественных производителей Республики Узбекистан", первый

Материал подготовлен при содействии Общественного фонда поддержки и развития независимых печатных средств массовой информации и информационных агентств Республики Узбекистан.

(Продолжение.

Начало на 1-4-й стр.)



Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган қонуний ҳужжатлар, жумладан, 1996 йил

«Ёшлар йили» Давлат дастури амалда

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, jismoniy соғлом ва маънавий баркамол ёш авлодни тарбиялаш давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Zero, касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш нафақат тиббиёт тизимининг, қолаверса, ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти XXI асрни тиббиётнинг долзарб ва устувор йўналиши – профилактикага қаратилган бўлишини эъти-

роф этмоқда. Дунё олимлари томонидан олиб борилган изланишлар инсонлар соғлигининг 50-55 фоизи уларнинг турмуш тарзига, 20-25 фоизи ирсий омилларга, 15-20 фоизи атроф-муҳитга боғлиқлиги ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш соғлигининг атиги 8-10 фоизини таъминлай олиши мумкинлигини кўрсатади. Бундай илмий ҳулосалар дунёдаги кўпгина тараққиёт этган давлатларда соғлиқни сақлаш сиёсатини даволашдан кўра профилактикага эътибор қаратилишини тақозо этмоқда.



қалпоғистон Республикаси), 159 туман ва 14 та шаҳар Саломатлик марказлари мавжуд. Уларда ҳозирги кунда 545 нафар врач, 516 нафар ўрта тиббиёт ходимлари ишлаб келмоқдалар. Фаолият кўрсатаётган врачларнинг 96 нафари олий ва 86 нафари эса биринчи тоифага эга. 2007-2008 йилларда 145 нафар врач соғлом турмуш тарзи йўналиши бўйича ўз малакасини оширди.

Бунинг баробарида институтимиз соғлом турмуш тарзининг асосий йўналишлари ва касалликларнинг олдини олиш бора-

сисда ЮНИСЕФ, ЮСАИД, Жаҳон даволаш-профилактика муассасалари ходимлари ўртасида 2007 йилда 638 марта ўқув машғулоти ўтказилиб, 801 нафар тиббиёт ходими ўз билимини оширган бўлса, улар учун 7 та услубий қўлланма тайёрланиб, тарқатилди.

Соғлом турмуш тарзи йўналишида 12 та профилактик дастур ишлаб чиқилиб, 9 таси амалиётга татбиқ этилди. Шунингдек, институт ва унинг филиаллари ҳамда Саломатлик Марказлари ходимларига 11 та, мактаб ўқитувчилари учун 10 та услубий қўлланмалар тайёрланиб, фойдаланишга топширилди. Яна шу ўринда айтиш жоизки, юқумли касалликларни, олдини олиш бўйича беш хил мавзудаги буклетдан 43 минг, беш хил мавзудаги плакатдан 21 минг, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мавзусида тўрт хил буклет 40 минг нусхада чоп этилиб, аҳолига тарқатилди.

Оммавий ахборот воситалари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва касалликларнинг олдини олишда институтимиз радио ва телевидение орқали кўрсатув ва эшиттирилари ҳамкорликда тайёрлаб, аҳоли орасида кенг жўлмада иш олиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон телерадиоканалининг «Саломатлик» радиожур-

нали ходимлари билан ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятларимиз ҳам бундан мустасно эмас. Таянчлиқ жойизки, мазкур материалларни тайёрлаб, эфирга узатишда соҳа мутахассислари жалб қилиниб, ҳар душанба кўни турли тиббий мавзуларда 30 дақиқалик эшиттиришлар уюштирилиб, аҳолига кенг татбиқ қилинмоқда. Шунга ўхшаш эшиттиришлар барча вилоят филиаллари томонидан ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Республика бўйича 2007 йилнинг ўзида телевидение орқали 958 та кўрсатув, 3235 та радиосуҳбат, 2156 та матбуот орқали мақола, 1552 та киноvideонамойиш ташкил этилди. 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида телевидение орқали 421 та кўрсатув намойиш этилган бўлса, матбуот орқали 1089 та мақолалар ёритилган. Радио орқали эса 1548 дан ортиқ эшиттириш эфирга узатилган.

Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қатор Дастур ва Қарорларнинг бажарилишида ҳам фаол иштирок этмоқда, жумладан «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида ҳам фаолият юритиб келмоқда. «Соғлом авлод», «Экосан», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмиталари каби нодавлат ташкилотлар билан биргаликда маҳалла, мактаб, ўрта махсус касбхунар коллежлари, академик лицей, олий ўқув yurtлари, ҳарбий қисм, дам олиш оромгоҳлари, қорхона ва ташкилотларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик мавзуларида давра суҳбатлари, учрашувлар, савол-жавоб кечалари, семинар-тренинглар ва бошқа турли хил тиббий мавзудаги кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.


Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, вазирилик, ҳокимлик, турли жамоат, нодавлат ташкилот, жамғармалар билан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича ҳамкорликда фаолият олиб бурсак, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш ҳамда инсонлар саломатлигини мустаҳкамлашда самарали натижаларга эришамиз.

Зулхумор МУТАЛОВА,
Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти директори.
Суратлар муаллифи
Анваржон САМАДХОДЖАЕВ.

Саҳифалардаги мақолалар Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

29 августда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлигини сақлаш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 2-бандида: соғлом турмуш тарзини шакллантириш; 3-бандида эса: фуқаролар соғлигини сақлашда профилактик тадбирларга устувор йўналиш бериш кўрсатиб ўтилган.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида «Ислохотларнинг мақсади – соғлиқни сақлашнинг профилактик соҳасига устувор йўналиш бериш ва фуқароларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш» эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу Фармонга асосан Республика Саломатлик Маркази негизда Республика Саломатлик институти ташкил қилинди (ССВнинг 2001 йил 20 мартдаги 101-сонли буйруғи). Шунингдек, вилоятларда ҳам Саломатлик институтининг филиаллари, шаҳар ва туманларда саломатлик марказлари очилиб, ўз фаолиятини бошлади. Йиллар давомида институт фаолиятини такомиллаштириш зарурияти юзага келди. Соғлиқни сақлаш вазириликнинг 2005 йил 24 мартдаги 123-сонли буйруғига асосан Саломатлик институти Республика ахборот-таҳлил маркази билан бирлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 700-Қарорига мувофиқ ушбу институт «Саломатлик ва тиббий статистика институти» макомини олди. Унинг зиммасига тиббий статистикани юритиш, унинг ҳаққонийлигини таъмин-



лаш ва ҳисоботлар асосида таҳлил ўтказиш ҳамда кўрсатилган таҳлиллар институт фаолиятини мувофиқлаштириб бериш каби вазифалар белгилаб қўйилди. Соғлиқни сақлаш вазириликнинг 2008 йил 4 июндаги 238-сонли буйруғига асосан – касби, лавозими, ихтисоси ва муассасанинг туридан қатъи назар шифокор, ҳамшира, фармацевтлар ҳар ойда 4 соат вақтини аҳоли ўртасида тиббий-гигиеник, экологик билимлар ҳамда соғлом турмуш тарзи асослари тарғиботини ўтказишга сарфлаши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Ҳозирги кунда республикаимиз миқёсида 71627 нафар шифокор, 271912 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият олиб бораётган экан, демак, Республикада соғлом турмуш тарзи, касалликларнинг олдини олиш масалалари билан изчил шуғулланувчи йirik тизим яратилганлигига амин бўламиз.

Мазкур муассасамиз ҳозирги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва касалликларнинг олдини олиш йўлидаги тарғибот ишларини мувофиқлаштирувчи бош муассаса ҳисобланади. Унинг таркибида 14 та филиал (12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қора-



Тикланиш ва ривожланиш банки, Осиё Тараққиёт банки, ЖАЙ-КА, ХОУП, ЖССТ, PSI каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Таянчлиқ жойизки, муассасамиз ва унинг ҳудудий филиаллари барча даволаш-профилактика муассасаларида соғлом турмуш тарзи ва касалликларнинг олдини олиш бораидаги профилактик фаолиятларни янада шакллантирган ҳолда уларга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва касалликларнинг олдини олиш мавзуларида

биёт муассасаларининг кузги-киши мавсумга тайёргарлиги ва бу борада амалга оширилган ишлар, бунинг баробарида режадаги вазифаларга алоҳида ургў берди.

Қун тартибиди қўрилган мазкур масалалар бўйича мутахассислар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Йигилиш сўнгига юқорида қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Ҳайъат йиғилиши

ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Йўналишда олиб борилаётган самарали ишлар ҳамда юзага келатган айрим камчилик ва муаммолар тўғрисида гапириб ўтди.

Иккинчи масала бўйича вазириликнинг лаборатория хизмати бўйича бош мутахассиси А. Арипов республика аҳолисига

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўрсатилган лаборатория хизматининг айни кундаги ҳолати, шунингдек, муаммо бўлиб турган мавжуд камчиликлар фаолият ҳараёнида ўз таъсирини кўрсатаётганлигини таъкидлади. Учинчи масала юзасидан эса сўзга чиққан вазириликнинг комплекс фойдаланиш бошқармаси бошлиги Б. Эргашев республика тиб-

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан назначает:

1. Хамраева Атаджана Каримовича – Министром здравоохранения Республики Каракалпакстан
2. Маликова Юсуфа Расуловича – Начальником Новойского областного управления здравоохранения
3. Юсупову Маъмурахон Садировну – Директором Республиканского центра развития медицинского образования
4. Усманову Гульрано Малабаевну – Главным врачом клинической Ташкентского педиатрического медицинского института
5. Камилову Умиду Кабировну – Главным врачом клинической научно-исследовательского института медицинской реабилитации и физиотерапии
6. Султанова Саидзизма Носировича – Директором научно-исследовательского института акушерства и гинекологии

Шахсий веб сайтимиз орқали ҳар бир сондаги материалларни кузатиб бориш имкониятига эгасиз!


31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида қурашиб,
беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати та-
рихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Ислом КАРИМОВ.

ТАРИХИЙ КУН

2000 йилнинг 12 май куни. Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув ёқасида жойлашган майдон. Президент Ислом Каримов ташаббуси ва ғояси асосида барпо этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими. Ёдгорлик атрофи тумонат одам билан тўла. Президент қатағон қурбонлари хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуини очиб, қарийб 150 йил давом этган мустамлакачилик даврида жафокаш халқимиз бошига тушган оғир синовлар, мусибатли кунлар тўғрисида ҳаяжон билан сўзлар экан, ҳозир бўлганларнинг ҳаёлида мудҳиш давр воқеалари бирма-бир жонланар, ким отасини, ким бобосини, ким бошқа бир яқин қариндошини кўз олдига келтирар ва бу ҳол уларнинг кўзларидан маржон бўлиб тўкилаётган кўз ёшларидан аён бўлиб турарди.



ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТМОҚ ИМОНДАНДИР

УЙҒОҚ ХОТИРА МАСКАНИ

2001 йилнинг 1 май куни Президент Ислом Каримовнинг янги Фармони эълон қилинди. Шунга кўра, 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни деб белгиланди. Шу йилдан бошлаб Мустақиллик байрами арафасида ўтказила бошланган Қатағон қурбонларини ёд этиш маросими халқимизнинг миллий анъана ва миллий қадриятларидан бирига айланган. Мазкур Фармонга мувофиқ, ўша йилнинг 31 август куни "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи очилди.

Ўша вақтда собиқ совет республикаларининг бирорта-сида бундай музей ҳали ташкил этилмаган эди. Фақатгина Ригада "Латш ўқчилари" музейи қайта қурилиб, "Латвиянинг босиб олиниши" музейи сифатида фаолият кўрсата бошлаган эди, холос.

Қатағон қурбонларининг уйларида қарийб бирорта сурат, ҳужжат, китоб ва бошқа буюмлар қолмагани, шахсан уларга тегишли мол-мулк мусодара қилингани ва йўқ қилиб юборилгани сабабли музей экспозициясини яратиш ишлари осон кечмади. Жамғармага амалий ёрдам бериб турган Миллий хавфсизлик хизмати архивидаги "дело"лар орасида ҳам, асосан, жабрдийдаларни айблаш мақсадида тўпланган ҳужжатлар, мусодара қилинган кийим-бош ҳамда мол-мулк рўхатидан ташқари, музейёб экспонатлар мутлақо йўқ эди. Маҳбусларнинг суратларини олиш иши эса асосан Тошкентда 1937 йилдан бошлабгина жорий этилган. Ҳар куни юзлаб кишилар қамоққа олинган "долзарб" ойларида эса, сураткаш уларнинг суратларини олишга жисмонан улғурмаган. Шундай қийинчиликларга қарамай, қисқа муддатда музей экспозицияси барпо этилди. XIX асрнинг 60-йилларида Урта Осиёнинг, жумладан, ҳозирги Ўзбекистоннинг босиб олинишдан то Мустақилликкача бўлган даврда рўй берган жабр-зулмлар, миллий-озодлик ҳаракатларининг шафқатсизлиги билан

бостирилиши, Совет мустабид давлати олиб борган ички сўвратнинг фожияли оқибатлари ўзининг озми-кўпми ифодасини топди. Жамғарма фаоллари олиб борган илмий изланишларининг натижаси сифатида экспозиция янги материаллар билан бойитиб борилди. Музейда ўтказилган турли учрашув ва суҳбатлар зиёратчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, умри бино бўлиб хали "қатағон" сўзини эшитмаган, қариндош-уруғларининг, ватандошларининг большевиклар ҳукмронлиги қилган даврда Украина, Шимолий Кавказ ва Сибирга, Қозғистон ва Ўзбекистоннинг кимсасиз даштароғига сургун қилингани, Соловецк оролларида то Қолимагача бўлган "меҳнат-тузатув лагерлари"да азоб-уқубат чекканини билмаган ёшлар хайратга тушди. Музей уларнинг мустақиллик билан мустамлакачилик даврлари ўрдасидаги осмон билан ердек фарқни кўришлари, мустақиллик даври қадриятлари ҳурмат билан муносабатда бўлишларига озми-кўпми ўз хиссасини қўшди.

Аммо ҳаёт дарёси тинимсиз оқиб, кечаги ютуқлар оддий ҳодисага айланиб боради. Шундай бир шароитда Президент Ислом Каримов музей ишини тамомлаи қайта қўриш ғоясини ўртага ташлади. Юртбошимиз ғоясига кўра, музейнинг торлиқ қила бошлаган экспозиция залини кенгайтириш, янги бино қуриш, экспозицияни замонавий тарих фани ва дизайн санъатининг сунғи ютуқлари асосида қайта яратиш, музейни Британия музейи сингари дунёдаги энг машҳур музейлар даражасига кўтариш лозим эди. Бу, мустақиллик йилларида мамлакатимиз тараққиётида бошланган янги даврнинг талаби эди. Бу эзгу ишлар шахсан Юртбошимиз раҳнамоларида амалга оширилмоқда.

МУЗЕЙНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

Мустақилликнинг 17 йиллик байрами арафасида Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – энгилмас куч" деган янги асари майдонга келди. Бу асарда олға сурилган ғоялар марказида гарчанд кишиларнинг маънавий олами, жамиятнинг маънавий қиёфаси турган бўлсада, унда ҳозирги жамият учун муҳим ҳисобланган барча муам-

мо ва масалалар ўз тажассумини топган. Президент Ислом Каримов ушбу асарида маънавият муаммосининг барча қатламлари ва барча муҳим қирраларини нурлантирар экан, жумладан, бундай деб ёзади:

"Маънавиятнинг яна бир муҳим хусусияти одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, имон-этиқодини бутун қилишида ёрқин намоён бўлади.

Узоққа бормасдан, халқимиз ўз бундан кечирган мустамлака даврини бир кўз олдимишга келтирайлик. Қарийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюқ фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз.

Лекин ана шундай даҳшатли даврда ҳам ҳар қандай зулм ва истибодга қарамасдан, халқимиз ўзини йўқотмади. Тилини ва динини, имон-этиқодини сақлаб қолди. Нохайлик ва зуравонлик ҳукмрон бўлган шундай замонларда ҳам юртимиздан миллат ва халқ қайғуси билан яшаган ҳақиқий ватанпарвар инсонлар етишиб чиқди. Халқимизнинг асрлар синовиди янада кучайиб, тобланиб борган мустақаллик иродаси, имон-этиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлди".

Юртбошимизнинг мана шу пурҳизмат сўзлари музейнинг янги экспозициясини яратишда дастуриламал вазифасини ўтади. Музейнинг аввалги экспозицияси бир мақсадга – халқимизнинг мустамлакачилик йилларида чеккан жабр-жафоларини қатағон этилган ватандошларимизнинг фожияли қисмати орқали кўрсатишга қaratилган эди. Бу, ўз вақтида тўғри бўлган. Шундай мақсад билан яратилган экспозиция маълум вақт ўз вазифасини бажарган. Аммо ҳозирги давр жамият олдига ва жамиятнинг пешқадам кишилари олди-га халқ маънавиятини шакллантиришнинг янги вазифаларини қўйди, бу "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига ҳам тўла тааллуқли. Шунинг учун янги экспозицияни яратишдан бу сарфари мақсад халқимизнинг 150

йиллик кишанли йўлни, мусибат ва фожиялар даврини босиб ўтишда ўз имон-этиқодини, ўзлигини сақлаб қолиганини акс эттириш бўлди.

Шу мақсадда истилочилик ва қирғин-қатағон даври тарихини акс эттиришда эрксевар ва ҳуриятпарвар аждодларимизнинг ватанпарварлик, тараққийпарварлик йўналишидаги фаолиятига, фидоийлик фазилатларини кўрсатишга урғу қаратилди.

Қандай ажайиб-а! Ташқарида чор миршаблари ҳар қандай янгилик, ҳуриятсеварлик кўришларини бўғишга шай бўлиб турган пайтда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлодий сингари халқимизнинг буюқ фарзандлари янги мактаб, замонавий адабиёт, миллий матбуот ва театрға пойдевор қўйиб, улар орқали халқнинг мудроқ кўзларини очишга, қалби ва шуурига Эрк, Озодлик, Миллий Тараққиёт деган муқаддас ва ҳаётбахш ғояларни қўйишга интилганлар. "Еш бухороликлар" ҳаракатининг сарварлари Файзулла Хўжаев ва Фитрат нафақат чириган амирлик тўзумини ислох этиш, балки халқни миллий бирлик ва миллий тараққиёт йўлидан етакламоқчи бўлганлар. Бу тараққийпарварлар ўзаро бирлашиб, 1922 йилда етмиш нафар ёш йигит ва қизларни Европанинг ўша пайтдаги энг илғор мамлакат – Германияга ўқишга юборганлар. Улар ниятига кўра, шундай ёшлар бир неча йил давомида мустақил ўзбек давлатини идора эта биладиган юқори малакали мутахассислар бўлиб етишиши мумкин эди. Улар халқнинг имон-этиқодини, ўзлигини сақлаб қолиш йўлида жонларини фидо қилганлар.

Шубҳасиз, бундай масалаларни фақат экспозиция орқалигина ифодалаш маҳол. Шунинг учун ҳам музейга таширф буюрчи кишилар, экспозициядан

ташқари, монитор орқали ҳар бир бўлим моҳиятини ифодаловчи видеофильмни томоша қиладилар, экспозициядан олинган тасаввурни бойитувчи мультимедиа ва ахборот базаси билан танишадилар. Бундан ташқари, музейнинг учала залида намоиш этилган экспонатлар, суратлар, ҳужжатлар, хариталар, буюмлар, макетлар орқали экспозицияда акс эттирилган тарихий давр тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қиладилар, ҳар бир бўлимнинг мазмун ва моҳиятини чуқур англаш имкониятига эга бўладилар.

Сир эмас, музейнинг янги экспозициясини замонавий музейшунослик ва дизайн талаблари асосида тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Бадий академиясининг етакчи мутахассислари қатор Европа мамлакатларига бориб, энг машҳур музейларнинг тажрибаларини ўрганиб келдилар. Виктор Вяткин бошчилигидаги расм ва дизайнлар музейнинг бадий концепциясини ишлаб чиқиб, безак ишларини амалга оширдилар. Музейни янги экспонатлар билан бойитишда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Фанлар академияси тизимларидаги музейлар, шунингдек, Картография институти яқиндан ёрдам берди. Видеоорқали ва мультимедиа материалларини тайёрлаш ва музейни 100 дан зиёд телевизион, ҳужжатли ва бадий фильмларнинг DVD дисклари билан таъминлашда "Ўзбекин" акциядорлик агентлиги, Телерадио давлат комитети ва Вестминстер университетининг хизматлари ҳам қатнашди. Музей экспозициясини яратиш ишларида эса Фанлар академияси, Давлат ва жамият қурилиш академияси ва Ўзбекистон Миллий университети етакчи мутахассислари фаол иштирок этдилар.

Умид қиламизки, музейнинг 31 август куни очилаёқ янги бино ва янги экспозицияси зиёратчиларда, айниқса, келажагимиз меъморлари – ёш авлодда мамнуният ҳиссини уйғотди. Уларнинг юксак маънавий асосларини эгаллашлари, мустабид тузум даврида жабрланган ота-боболарининг ҳаётбахш анъаналари ва энг яхши инсоний фазилатлари руҳида тарбияланишлариға ёрдам беради ва Мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги йўлида фидоийларча хизмат қилишга ундайди.

Наим КАРИМОВ,
«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси.

Тиббий ҳамкорлик

МАҚСАДЛИ ФАОЛИЯТЛАР УЧУН

Хабарингиз бўлса, жорий йилнинг бошида Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида умумий қиймати 2,5 миллион АҚШ доллари бўлган грант шартномаси имзоланган эди. Ушбу мақсадли лойиҳани амалга ошириш мақсадида кунни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «Ўзтиб-техника» акционерлик жамиятида ХУНДАЙ русумли 110 та шошилинч тез тиббий ёрдам машинасини топшириш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров Корея ва Ўзбекистон Республикалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ давом этиб келаётганини ва айниқса, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларда икки

давлатнинг ҳамкорлик муносабатлари, грант дастурлари таркибида олиб келинаётган замонавий тиббий асбоб-ускуналар, ҳамкорликдаги мураккаб операциялар, шунингдек, тақдим этилган 110 донга тез тиббий ёрдам автомашинасининг мустақиллик айёми олди тухфа этилиши муносиб соғва эканлигини эътироф этди. Ушбу тез ёрдам автомашинасида

беморлар учун барча қулайлик мавжуд бўлиб, шароити оғир ҳудудларда ҳам хизмат кўрсатиш даражаси кенглиги билан ажралиб туради. Эндиликда ушбу машиналар республикамизнинг барча тез тиббий ёрдам станциялари фаолияти учун ажратилди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги тиббий ҳамкорлик бир неча йиллардан буён муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Умид қиламанки, аҳоли соғлигини яхшилаш йўлидаги эзгу ишлар мақсадли томонга йўналтирилади ва аҳоли бундан мамнун бўлади, – дейди Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги директори жаноб Квон Йонг-Юи.



Республикамиз аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш ва юқори савиядаги тиббий хизмат кўрсатишни ошириш мақсадида амалиётга қўллаб мақсадли лойиҳалар ва давлат грантлари татбиқ этилмоқда. Айниқса, хорижий ташиқлотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган янги турдаги асбоб-ускуналардан аҳоли саломатлиги йўлида фойдаланиш ҳамда бегараз ёрдам тартиб-сидида тухфа этилаётган замонавий аппаратлар бундан мустасно эмас. Яқинда «Medilife-Farma» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган 500 та «Сателлит» глюкометр аппарати ва тест-полоскалари Россия Федерацияси элчихонаси томони-



МУРУВВАТ ЁРДАМИ ТОПШИРИЛДИ

дан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт муассасаларига мурувват ёрдами сифатида тақдим этилди.

Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Нодир Шарапов кириш сўзи билан очиб, қанди диабет касаллиги билан оғирган беморлар аҳолини тезкор аниқлашда ушбу глюкометрларнинг аҳамияти ва зарурати катта эканлигини эътироф этиб, Россия Федерацияси элчихонаси элчиси Ф. Мухамметшин ва «Medilife-Farma» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси раҳбариятига кўрсатилган бегараз ёрдам учун ўз миннатдорчилигини билдирди. Эндиликда мазкур мурувват ёрдами республикамиз тиббиёт муассасалари, офтальмология ва шошилинч тез тиббий ёрдам хизматлари фаолиятига

ажратилади. Ушбу аппарат орқали беморлар, қўлаверса барча фуқаролар қондаги қанд миқдорини тезкор аниқлаш имкониятидан унумли фойдаланадилар. Ҳозирги тиббиёт ривожининг яна бир ютуғи тезкор лаборатория текширувининг замонавий кўринишда йўлга қўйганлигидир. Йиғилишда иштирок этганлар лаборатория хизмати такомиллашиб, ишдаги сифат-самарадорлик ва тезкорлик ошишида ана шундай янги турдаги ноёб аппаратларнинг зарурат эканлигини эътироф этдилар. Қўшма корхона раҳбари ҳам иштирокчиларнинг ҳар бир

саволига тўлақонлиги жавоб бериб, аппаратнинг ишлаш механизми, афзалликлари ва бемор ҳаёти учун қанчалик аҳамиятга эга бўлишини ўз сўзларида баён этди. Умид қиламизки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган мазкур глюкометр аппаратлари ҳали кўп йиллар давомида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва қондаги қанд миқдорини эрта аниқлашда салмоқли хизмат қилади.

Намоз ТОЛИПОВ.
Анваржон
САМАДХОЖАЕВ
олган суратлар.

Саҳифалардаги мақолалар Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

БАТАНПАРВАРЛИК ҲАҚИДА

Киши туғилган ерига ёпишиб олгани билан чин ватанпарвар бўла олмайди. Ҳақиқий ватанпарварлик – шу улғу Ватанни севиб, она-Ватанининг манфаатлари ва шон-шухрати учун жонини бахш этиш ҳамда халқ оқошичилиги йўлида фидокорона курашувчи кишидир.

Ватан ва ватанпарварлик эгизак бўлиб, улар қалбдаги барча туйғуларнинг ҳукмрони бўламоғи лозим. Ана шундай киши эл фарзанди бўла олади.

Фарзандларимиз ўз ватанпарварлик бурчини ўтаса, биз чин инсон тарбия қилдик, деб фахрлансак арзийди.

Ватан куч-қудратининг ошиши ҳар бир фуқаронинг ифтихоридир.

«ICT EXPO – 2008»

Аъъанавий миллий кўргазмаси 24-26 сентябрь кунлари Ўзэкспомарказнинг 2-павилёнида (манзил: Тошкент шаҳри, А. Темури кўчаси, 107-уй), шунингдек, 24-25 сентябрь кунлари Андижон шаҳри, Ёшлар марказида бўлиб ўтади (манзил: Олтинкўп кўчаси, 10-уй). Батафсил маълумот учун телефон: (99871) 238-41-74. Веб-сайт: www.ictexpo.uz

Эълон

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди

Мамлакатимиздаги ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан аъъанавий ўтказиб келинаётган «Келажақ овози» танловини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, унинг иштирокчилари ва ғолиблари ютуқларини оммалаштириш мақсадида босма оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида танлов эълон қилади.

Танлов шартлари

Танловга «Келажақ овози» танлови мазмун-моҳияти, ўтказиб жараёнлари, иштирокчилари ва ғолиблари фаолияти, улар эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи ва 2008 йилнинг 1 январидан газета ва журналларда чоп этилган, интернет саҳифаларида берилган материаллар 2008 йил 15 декабр гача қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар сони 6 тадан кам бўлмаслиги ва даврий нашрларнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхада топширилиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар – нашр номи, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили.

Муаллиф тўғрисида – фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов номинациялари

Танлов икки номинация бўйича ўтказилади:

– «Келажақ овози» танловини ёритиш бўйича матбуотда чоп этилган энг яхши материаллар бўлиши.

– «Келажақ овози» танловини ёритиш бўйича интернетда берилган энг яхши материаллар бўлиши.

Ғолиблар ҳар икки номинация бўйича қуйидаги тартибда мукофотланади:

- битта 1-ўрин
- иккита 2-ўрин
- учта 3-ўрин

Ғолиблар диплом ва пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Материаллар «Келажақ овози» республика танловини ёритишга» деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz.

Таъшикий кўмита.

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир хайъати раиси:

Феруз НАЗИРОВ

Таҳрир хайъати аъзолари:

Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Нурмат Отабеков, Рихис Салихўжаева, Абдулла Убайдуллаев, Фарход Фузайлов, Мираллишер Исламов, Намоз Толипов (масхул котиб).

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газета муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги